

Қ А Р О Р

2024 йил август ойининг 07 куни, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи А.Ҳамидов,

Судья ёрдамчиси Ф.Исмаатовнинг котиблигида, ҳуқуқбузар М.Абдупаттаеванинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 184⁴-моддаси билан юритилган

29.12.1983 йилда Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ажрашган, вақтинча иш жойи, Зангиота туманида жойлашган “INERGI BOX SERVIS” мебель цехида ишчи, яшаш манзили: Сирдарё вилояти Сардоба тумани, Кўркам маҳалласи, Файз кўчаси 8-уй 37-хонадонда яшовчи

Абдупаттаева Манзуна Абдукаюмовнага

нисбатан 3-1101-2403/3725-сонли маъмурий ишени кўриб, ҳуқуқбузарнинг кўрсатувини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2024 йил 02 август куни соат 11:51 лар атрофида Зангиота тумани, А.Темур маҳалласи, Мустақиллик кўчасида фуқаро М.Абдупаттаева жамоат жойида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган кўринишда ҳаракатланиб келганлиги юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар М.Абдупаттаева 2023 йил сентябрь ойида Зангиота тумани, А.Темур маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган “INERGI BOX SERVIS” мебель цехида ишчи вазифасида ишлаб келишлигини, 2024 йил 02 август куни соат 11:50 да Зангиота тумани, А.Темур маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўконига нон ва қаттиқ маҳсулотини харид қилиш учун юзида “Маска” тақилган ҳолатда кетаётган вақтида ИИБ ходимлари унинг олдида келиб, уни тўхтатиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини сўраганлиги, томоғида аллергия борлиги сабабли, ниқоб тақиб юришини, уни чанга аллергияси борлиги шу сабабли ниқоб тақиб юришлигини ишхонаси ҳам чанг эканлиги, кассалиги ҳақида ҳеч қандан ҳужжат йўқлиги, жамоат жойида ниқоб тақиб юриш мумкин эмаслигини билмаслиги, ишдан шошиб чиққанлиги сабабли ниқобини ечмаганлиги узр сўрашлиги, оилавий шароити оғирлиги вояга етмаган фарзандлари борлиги ёлғиз аёл эканлигини билдириб суддан унга нисбатан енгилик беришни сўради.

Суд, ҳуқуқбузарнинг кўрсатувини тинглаб, маъмурий иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг айби маъмурий иш ҳужжатларини кўздан кечириб, баённома, фотожадваллар, тушунтириш хатлари, ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини топди.

Суд М.Абдупаттаеванинг ҳаракатлари. “Жамоат жойларида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган кўринишда бўлиш” маъмурий



хуқуқбузарлик аломатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 184⁴-моддаси билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли Қарорида кўрсатилган тушунтиришларга риоя қилиб, унинг шахсини, оилавий ва моддий шароитини, қилмишига тўлиқ иқдор ва пушаймон бўлганлигини, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини ёлғиз аёл эканлигини, ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, ҳуқуқбузарлик моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 309 ва 310-моддаларига асосланиб, суд қарор қилади

Қ А Р О Р:

Абдупаттаева Манзуна Абдукаюмовна Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 184⁴-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин ва унга МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдоридан – 1.700.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинлангани жарима давлат даромадига ундирилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ҳуқуқбузар эса унга қарорнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан худди шу муддатда жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

А.Ҳамидов



Хужжат имзоланган: Ҳамидов Анвар Музаффарович, 12.08.2024

